

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

АБДУЛЛАЕВ ШЕРЗОД РАХМАТОВИЧ

**КЎЗ ЗАМБУРУҒЛИ КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ЭТИОПАТОГЕНЕЗИ,
КЛИНИКАСИ, ТАШХИСИ ВА ДАВОЛАШ**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалс0афа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Абдуллаев Шерзод Рахматович

Кўз замбуруғли касалликларининг этиопатогенези,
клиникаси, ташхиси ва даволаш 3

Абдуллаев Шерзод Рахматович

Этиопатогенез, клиника, диагностика и
лечение грибковых заболеваний глаз 23

Abdullaev Sherzod Rahkmatovich

Ethiopathogenesis, clinic, diagnostics and
treatment of fungal diseases of the eye 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 44

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

АБДУЛЛАЕВ ШЕРЗОД РАХМАТОВИЧ

**КЎЗ ЗАМБУРУҒЛИ КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ЭТИОПАТОГЕНЕЗИ,
КЛИНИКАСИ, ТАШХИСИ ВА ДАВОЛАШ**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Tib40 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида www.tsdi.uz ва «Ziynet» ахборот таълим порталида www.ziynet.uz жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Камилов Халиджан Махамаджанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бузруков Ботир Тулкунович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Набиев Талъат Абдувахобович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Siloam Eye Hospital (Жанубий Корея)

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси 103 уй. Тел./факс: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: tdsi2016@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси 103-уй. Тел.: (+99871) 230-20-65.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ж.А. Ризаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори

Л.Э. Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.С. Касимова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда замбуруғли касалликларнинг 100 мингдан ортиқ тури маълум бўлиб, улардан 500 тага яқини одам ва ҳайвонлар учун патоген ҳисобланади¹, ҳар бешта одамнинг биттаси замбуруғли касалликлар билан зарарланганлиги исботланган бўлиб, офтальмомикозлар 4,7%-8% ҳолатларда учраши ва кўриш қобилятининг пасайиши, шох пардасини яра касалликлари кўз ожизликнинг асосий сабабларидан бири сифатида намоён бўлмоқда². Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ)нинг маълумотларига кўра, офтальмомикозлар кўзнинг бактериал ва вирусли зарарланиш касалликларидан кейин учинчи ўрнини эгаллайди, касаллик айрим ҳолатларда аралаш келиши ташхислашнинг оғирлаштириши, нотўғри даво тизимини қўлланилиши оқибатида кўрув аъзоларининг оғир асоратларни юзага келтириши илмий асосланган³. Кўрув аъзоларининг турли бактериал ва глюкокортикостероид дори воситаларини маҳаллий узоқ вақт қўллашдан кейин иммун тизимининг пасайиши натижасида кўриш тизимининг замбуруғли касалликлар ривожланишига шароит яратилади. Офтальмикозларни бактериологик экмалар, биокимёвий ва иммунологик синамалар ёрдамида эрта ташхислаш ва замонавий даволаш тизимини қўллаш ҳозирги офтальмологиянинг ўта муҳим долзарб муамолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда кўз замбуруғли касалликларнинг этиопатогенези, клиникаси, ташхислаш ва даволаш самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Буларга, кўрув аъзоларининг касалликларига таъсир қилувчи эндоген ва экзоген сабаблар, уларни ривожлантирувчи патогенетик механизмлар ва атроф-муҳит салбий омилларининг хавф гуруҳлари асослаб берилган. Кўрув аъзоларининг замбуруғли касалликларини аниқлашда биокимёвий маркёрларнинг ўрни, офтальмомикозларнинг турли шакли билан оғриган беморлар конъюнктивал бўшлиғини микробли зарарланиши ва микробларнинг тури исботланган. Кўзнинг замбуруғли касалликларида иммун тизим ҳужайраларнинг таркибий бузилишлари характери, кўзнинг замбуруғли касалликларида гипоксия даражаси, кўз ёш суюқлиги маҳсулотларини даражаси, касалликни олдини олишга қаратилган профилактик тадбирларнинг механизмини яратиш, касалликнинг асоратларни камайтириш ва бартараф этишнинг замонавий усулларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳоли орасида турли касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли дастурий тадбирларни амалга ошириш муҳим ўрин тутди. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор

¹ С.С.Арифов, З.М. Абидова. Терининг замбуруғли касалликлари. –Тошкент, OFSET PRINT, 2004. –Б. 5.

² Сергеев А.Ю., Сергеев Ю.В. Грибковые инфекции. Руководство для врачей М.: 2003

³ ЖССТ маълумотлари 2014 йил

йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси⁴да мамлакатимизда «...аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилишчи тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш...» аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб берилган. Кўрув аъзолари замбуруғли касалликларни эрта ташхислаш ҳамда сифатли тиббий хизмат кўрсатишда инновацион технологияларни қўллаш асосида замонавий даволаш усулларни ишлаб чиқиш ва бажариш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3071-сонли ва 2014 йил 1 августдаги ПҚ-2221-сон «Ўзбекистонда оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича 2014-2018 йилларга мўлжалланган Давлат дастури» Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда сўнгги йилларда шартли патоген микроорганизмлар, улар қаторида, замбуруғли касалликларни учраш даражаси ортиб бориши олимлар томонидан исботлаб берилган (Д.А.Карелин, 2005). Беморларда иммунодефицит фонида юзага келувчи шартли патоген замбуруғлар томонидан чақирилувчи касалликлар, гормонал ва модда алмашинуви бузилиши, антибиотиклар, кортикостероидлар ва иммуносупрессив препаратларни узок вақт давомида қўллаш натижасида юзага келадиган касалликлар – оппортунистик микозлар тадқиқи ҳам амалга оширилган. (С.А.Бурова, 1993; В.В.Савинков, 2002; И.Ф.Филатова, 2005; В.Я.Кунильская ва ҳамм., 2007).

Ўзбекистонда ҳам кўриш тизимининг турли яллиғланиш ва вирусли юқумли касалликлари, уларни даволашда антибиотикларнинг қўлланилиши, уларни кўрув нерви ва эшитиш тизимига салбий таъсирларини олдини олиш ва даволаш борасида катор ишлар амалга оширилган (Камилов Х.М., 2009, 2015; Касимова М.С., 2011, 2014; Бузруков Б.Т., 2015, 2017).

Лекин илмий адабиётларда касаллик патогенезининг иммунологик аспектлари, иммун жавобни маҳаллий ва умумий даражасининг ўзига хос хусусиятлари, офтальмомикозларни асоратли кечиши ва турли клиник

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони

шаклларда кўз ёш суюқлигини цитокин профили, метаболик бузилишлар ўртасидаги боғлиқлик, касаллик ва унинг асоратларини касалликни турли клиник шакллари кечиши патогенезида про- ва антиоксидант тизим ҳолати ҳалигача етарли тадқиқ қилинмаган. Зотан, касалликни турли клиник шаклларидаги секретор иммунитетнинг ва иммунитет тизим ҳолати тўғрисида олинган янги маълумотлар офтальмомикозларни даволашни келажакда оптималлаштириш ҳамда илгари ҳеч қаерда қўлланилмаган даволашни иммунотроп усуллари, замбуруғларга қарши даволашни янги усулларида фойдаланиш имконини беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг 02090009 рақамли «Умумий хирургия ва шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишда замонавий технологиялар» (2011-2016 йй.) илмий ишлар режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кўзнинг замбуруғли касалликларини этиопатогенетик кечиш хусусиятларини асосида ташхислаш ва даволаш тизимини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

офтальмологик беморлар ўртасида кўзни замбуруғли зарарланиш турлари ва учраш даражасини аниқлаш;

офтальмомикозларни турли шакли билан оғриган беморлар конъюнктивал бўшлиғини микробли зарарланганлиги ва микробларнинг тур таркибини аниқлаш;

кўзнинг замбуруғли касалликларида иммун тизим ҳужайра ва гуморал звеноси бузилишлари хусусиятларини аниқлаш;

кўзнинг замбуруғли касалликларида гипоксия даражаси ва липидларнинг перикисли оксидланиш, антиоксидант тизими, кўз ёш суюқлиги маҳсулотларининг даражасини баҳолаш;

кўзнинг замбуруғли касалликлари билан оғриган беморларни тизимли даволаш самарадорлигини баҳолаш;

кўзнинг замбуруғли касалликлари билан оғриган беморлар учун текшириш ва даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Республика клиник офтальмологик шифохонасида даволанган 156 нафар кўрув аъзоларнинг замбуруғли касалликлари билан хасталанган бир ёшдан 92 ёшгача бўлган беморлар (220 та кўз) ҳамда назорат гуруҳига кирувчи шу ёшдаги 30 нафар соғлом кўнгиллилар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предмети кўрув аъзолари замбуруғли касалликлари билан касалланган беморларнинг даволашдан олдин ва даволаш давомида кўзнинг конъюнктивал қопидан ажралмалар, кўз ёшлари, периферик қон таҳлил материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини амалга оширишда беморларнинг анамнез материалларини тўплаш, визометрия, скиаскопия, биомикроскопия, тонометрия, офтальмоскопия, кўрсатмага биноан

авторефрактометрия, А ва В–сканерлаш, олдинги оптик когерент томография (ОКТ), иммунологик, микробиологик, биокимёвий ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кўзни замбуруғли касаллиги билан хасталанган беморлардаги касаллик кечишининг мураккаблиги, ташхислаш ва даволаш тизимининг ўзига хос хусусиятлари асосланган;

офтальмомикозларда иммунобиокимёвий ўзгаришлар касаллик патогенезининг ўзига хос хусусиятлари, анаэроб гликолиз натижасидаги тўқима ишемияси, гипоксия, фосфолипидларнинг пероксидация маҳсулотлари концентрациясини сезиларли даражада ортиши исботланган;

кўзнинг замбуруғли касалликларида иммун тизим дисрегуляциясини ўткир фазанинг реоктантларининг миқдори, цитокинлар ҳамда антиоксидант тизимидаги бузилишлар исботланган;

конъюнктивит билан оғриган беморларга замбуруғга қарши дори воситаларидан фойдаланганда иммуномодуляторларнинг иммунологик кўрсаткичларини яхшиланишга таъсири механизми такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кўз ёш қопи ва кўз ёш йўлида яллиғланиш касалликлари бор бўлган беморларда касалликка қўшимча ёндош касалликларида, бошқа аъзо ва тўқималарда замбуруғли касалликлар кузатилганда ушбу беморларда микологик тадқиқотларнинг натижалари асосланган;

офтальмомикоз билан оғриган беморларни оториноларинголог, эндокринолог, иммунолог, гинеколог, онколог ва дерматовенерологларга маслаҳат учун юбориш, бунинг асосий сабаби ёндош касалликларни борлиги ва даволаш усулини ҳал этиш, иммун статусини баҳолаш зарурлиги тасдиқланган;

кўз юза тўқималари гипоксиясини кучайиши, кўз тўқимасининг ҳимоя антиоксидантларини бузилиши, нитрооксидергик бошқарувлар бузилиши каби ҳолатлар шох парда метаболизмни яхшилаш учун хизмат қилувчи антиоксидант препаратлар ва воситаларни тавсия қилиниши асосланган;

муказол ва тизимли даражадаги цитокин профилдаги бузилишлар, ўткир фаза реактанти концентрациясини ортиши, дори воситалари билан даволашда яллиғланишга қарши ва цитотоксик дори воситаларини қўллашни мақсадга мувофиқлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тажрибаларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлиги, визометрия, скиаскопия, биомикроскопия, тонометрия, офтальмоскопия, кўрсатма биноан авторефрактометрия, А ва В–сканерлаш ва олдинги ОКТ, иммунологик, микробиологик, биокимёвий ва статистик усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, кўз замбуруғли касалликларини ташхислаш ва даволаш самарадорлигини баҳолашда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кўз қовоқларида, кўз ёш қоғи ва кўз ёш йўлида яллиғланиш касалликлари бор бўлган беморларда анъанавий даволаш усуллари самара бермаган ҳолатларида, яна бу касаликка қўшимча ёндош касалликлари мавжуд бўлганда, бошқа аъзо ва тўқималарда замбуруғли касалликлар кузатилганда ушбу беморларда микологик текширишлар ўтказиш зарур. Офталъмомикоз билан оғриган беморларни отоларинголог, эндокринолог, иммунолог, гинеколог, онколог ва дерматовенеролог каби тор мутахассисларига маслаҳат учун юбориш зарур, бунинг асосий сабаби ёндош касалликларни борлиги ва даволаш усулини ҳал этиш, иммун статусни аниқлаш ва таҳрир қилиш изоҳланган;

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кўрув аъзоларининг тўқималари гипоксиясини кучайиши, кўз тўқимасининг ҳимоя антиоксидантларини бузилиши, нитрооксидергик бошқарувлар бузилиши каби ҳолатлар шох парда метаболизмини яхшилаш учун хизмат қилувчи антиоксидант препаратлар ва воситаларни буюришни тақозо этади. Муказол ва тизимли даражадаги цитокин профилдаги бузилишлар, ўткир фаза реактанти концентрациясини ортиши, дори воситалари билан даволашда яллиғланишга қарши ва цитотоксик дори воситаларини қўллашни мақсадга мувофиқлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: кўз замбуруғли касалликларининг этиопатогенези, клиникаси, ташҳиси ва даволаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Офталъмомикозларни ташҳислаш ва даволашга дифференциал ёндашув» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 6 февралдаги 8н-д/104-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма кўрув аъзоларининг замбуруғлар билан зарарланишнинг этиопатогенезини аниқлаш, касалликни ташҳислаш, клиникаси ва даволаш касалликнинг олдини олишнинг тизимли тартибини шакллантириш имконини берган;

кўз замбуруғли касалликларининг этиопатогенезини аниқлаш, касалликни ташҳислаш ва даволашнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика клиник офталъмологик шифохонаси, Сирдарё ва Фарғона вилоятлари офталъмологик шифохоналарининг клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 06 апрелдаги 8н-з/46-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши кўрув аъзоларининг замбуруғли касалликларнинг ташҳислашнинг 25%га, шунингдек, касалликнинг 14 кунидан кейин эса 26,7%га яхшиланишини таъминланган.

«Кўзни текширишда қўлланиладиган фотокамерани маҳкамлаш учун қурилма» бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделга патенти олинган (FAP 20130101). Мазкур усул беморларнинг кўзини расмга олиб, кўрув аъзолари касалликларини

аниқлаш ва далилларга асосланган тиббиёт асосида бошқа касалликлар билан дифференциал ташхислаш имконини берган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жумладан 5 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 31 та илмий иш нашр этилган, улардан 1 та патент, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, шундан, 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган; тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Кўз замбуруғли касалликларини этиопатогенези, клиникаси ва даволашнинг замонавий аспектлари»** деб номланган биринчи бобида кўзларнинг замбуруғли зарарланишига оид масалаларга алоқадор бўлган замонавий хорижий ва маҳаллий адабиёт материалларини таҳлили келтирилган. Кўзнинг замбуруғли касалликларининг этиопатогенези, ташхислаш, клиникаси ва даволашнинг ўзига хос хусусиятлари, дифференциал ташхисоти, касалликни профилактика усуллариининг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган, шунингдек, мазкур муаммонинг ўз ечимини топган ҳамда ечими топилиши лозим бўлган аспектлари белгиланган.

Диссертациянинг **«Кўз замбуруғли касалликларини ташхислаш ва даволаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда 156 нафар бемор (220 кўз) текшириш ва даволаш натижалари ёритилган. Улар 2011 йилдан 2016 йилгача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Республика клиник офтальмологик касалхонада кўз олди ва орқа қисмининг турли касалликлари билан даволанганлар. Беморларнинг ёши бир ёшдан 92 ёшгача бўлиб, ўртача $39,3 \pm 12,8$ ёш ташкил этди. Улардан 74 нафар эркак (47,4%) ва 82 нафар аёллар (52,6%). Тадқиқотда иштирок этган кўзларнинг умумий сони 220 тани ташкил этиб, улардан – 48 кўзда блефарит (21,8%), 20 та кўзда каналикулит

(9,1%), – 36 та (16,4%) кўзда дакриоцистит, 69 та (31,4%) кўзда – конъюнктивит, 14 та (6,4%) кўзда – эписклерит, 13 та (5,9%) кўзда – кератит, 13 та (5,9%) кўзда шох парда яраси, 6 та (2,7%) кўзда – увеит аниқланди, эндофтальмит тадқиқотда иштирок этганларнинг 0,4% қисмида аниқланди. Тадқиқотда иштирок этганларнинг 49,4% қисмида касаллик давомийлиги бир йилдан 3 йилгача бўлган муддатни ташкил этди.

Ёндош, соматик касалликларни мавжудлиги 156 нафар беморда аниқланган бўлиб, уларга қуйидагилар кирди: тери ва тери хосилалари ва ички аъзоларнинг микотик касалликлари (турли локализацияда жойлашган) – 6 (3,8%) бемор; бурун ва бурун атрофи бўшлиғи касалликлари – 31 (19,9%); аллергия касалликлар – 9 та (5,8%); биринчи ва иккинчи типдаги қандли диабет билан оғриган – 31 (8,3%) нафар беморни ташкил этди.

Шу билан бир вақтда тадқиқотда иштирок этаётган беморлар уларга ўтказилган даволаш схемаси бўйича назорат ва асосий гуруҳга бўлинган бўлиб, бу гуруҳларни даволаш усуллари, нозологияси, натижалари батафсил таҳлил қилинган. Касаллик ташхиси анамнез маълумотларига, одатий клиник кўринишга, шунингдек, беморларни бактериологик текшириш натижаларига асосланади.

Уларда ўтказилган офтальмологик текширишларда анамнез йиғиш, ташқи кўрикдан ўтказиш, коррекцияли ва коррекциясиз визометрия, биомикроскопия, транспальпаторал тонометрия, офтальмоскопия, авторефрактометрия, А-В сканерлаш, олдинги оптик когерент томографиялар қўлланилди.

Бактериологик таҳлил учун 156 нафар бемор кўзидан олинган материаллар қўлланилди. Тадқиқот асосига Ф.Ю.Гариб ва ҳаммуаллифлар томонидан таклиф этилган услубий қўлланмадан фойдаланилди.

Иммун тизим ҳолатини баҳолаш учун қуйидаги усуллар қўлланилди: фиколл-верографин градиенти бўйича т қонда лимфоцитларни ажратиб, CD3, CD4, CD8, CD16, CD19, CD25 ва CD95 (Сорбент АОЖда ишлаб чиқарилган, РФ, Москва) моноклонал антителалар ёрдамида субпопуляцион таркибини аниқлаш, Манчинининг радиал иммунодиффуз стандарт усули бўйича А, М, G иммуноглобулин концентрациясини аниқлаш, иммунофермент таҳлили (ИФА) усули бўйича қон зардобини таркибида цитокин маҳсулотларини аниқлаш.

Текширилган кўз ёш суюқлиги намуналарида ИФА усули билан цитокинлар даражасини аниқлашда IL-4, IL-1 β , TNF- α , шунингдек IgE миқдорини аниқлаш ишлари ўтказилди. Кўз ёш суюқлигини биохимиявий ўрганиш учун Тошкент Тиббиёт Академияси Марказий илмий- текшириш лабораториясида 50 нафар кузатув объектларидан олинган намуналар ўрганилди. Бунда кўз ёш суюқлиги таркибидаги малон диальдегид, супероксиддисмутаза ва каталаза фаоллиги ўрганилди.

Барча беморлар нозологиялар ва қўлланилган даволаш усулларида кўра 3 гуруҳга бўлинди: биринчи гуруҳга 68 нафар бемор киритилди (104 кўз), улардан блефаритлар – 26 беморда (48 кўз); дакриоциститлар – 24 (36 кўз) ва каналикулитлар – 18 нафар беморлар (20 кўз) киритилди.

Ўз навбатида ушбу гуруҳ даволаш усули бўйича 2 та кичик гуруҳга бўлинди:

1А- таққослаш гуруҳ (анъанавий даволаш) – 34 нафар бемор – (51 кўз), уларга анъанавий даволаш усули қўлланилди. Уларга мидриатиклар, витаминлар, кўз томчилари кўринишидаги ностероид яллиғланишга қарши препаратлар, антибиотиклар, кортикостероидлар, анальгетиклар, вирусга қарши дори воситалари, ковоқлар массажи, кўз ёш йўллари зондлаш ва ювиш киради.

1Б – асосий гуруҳ – 34 нафар бемор (53 та кўз) – анъанавий даволаш комплексида замбуруғга қарши флузамед дори воситасининг 0,3%ли эритмаси кунига 3-5 марта 2 томчидан клиник соғайгунча қўлланилди. Бундан ташқари комбинациялашган кўз томчилари (иммуномодуляторлар, антиоксидантлар, вирусга қарши хусусиятга эга дори воситалар) Актипол кунига 4-8 марта 1-2 томчидан то клиник соғайиш юзага келгунча қўлланилади.

2-чи гуруҳни 44 нафар конъюнктивит билан оғриган бемор ташкил этди. (67 та кўз) ва улар 3 та даволаш кичик гуруҳларга бўлинди:

2А кичик таққослаш гуруҳига 13 нафар бемор (20 кўз) киритилган бўлиб, уларда анъанавий даволаш усули қўлланилди: кўз томчиси кўринишидаги яллиғланишга қарши ностероид дори воситалари, антибиотиклар, вирусларга қарши дори воситалари, антигистамин препаратлар.

2Б кичик гуруҳига 16 та бемор киритилган бўлиб, (24 кўз), уларда олиб борилган комплекс даволашга замбуруғларга қарши маҳаллий дори воситалари қўлланилди.

2В кичик гуруҳини 15 та бемор ташкил этди (25 кўз). Уларда ўтказилган комплекс даволашда замбуруғга қарши маҳаллий дори воситаси ва бунга комбинациялашган кўз томчилари (иммуномодуляторлар, антиоксидантлар, вирусга қарши дори воситалари) буюрилди.

3-гуруҳга 44 нафар бемор кириб (46 та кўз), уларда кўзнинг қуйидаги касалликлари: склеритлар (29,5%), кератитлар – (27,3%), шоҳ парда яраси (27,3%) ва увеитлар (15,9%) кузатилди.

Ушбу гуруҳнинг барча беморлари 3 та кичик гуруҳга бўлинди:

3А таққослаш гуруҳига 15 нафар бемор киритилган бўлиб (15 та кўз), уларга анъанавий даволаш тавсия этилиб, кўз томчиси кўринишидаги яллиғланишга қарши ностероид ва стероид дори воситаси, антибиотиклар, вирусга ва замбуруғга қарши (0,3% Флузамед кўз томчилари), мидриатик воситалар, витаминлар, антигистамин препаратлар қўлланилди.

3Б гуруҳга 15 нафар бемор киритилган бўлиб, (16 кўз), уларда олиб борилган анъанавий даволаш комплексига замбуруғга қарши дори воситаси умумий ва маҳаллий қўлланилди. Бундан ташқари, комбинациялашган Актипол кўз томчилари ҳам даволаш муолажаларига киритилди.

3В гуруҳига 14 нафар бемор киритилган бўлиб, уларда 3Б гуруҳ беморларга берилган даво муолажаларига қўшимча умумий ҳолда Флузамед 150 мг капсулани 1 ой давомида ҳафтасига 1 маротаба ичиш ва Полиоксидоний иммуномодулятори схема бўйича буюрилди.

Ушбу гуруҳдаги беморларда кўз касалликларини нозологик структурасига мос ҳолда беморларнинг аксарият қисмида, яъни 15 нафар (39,5%) беморда конъюнктивит аниқланди. Блефарит 4 та (10,5%), дакриоцистит – 5 та (13,2%), каналикулит – 2 та (5,3%), эписклерит – 3 та (7,9%), кератит – 3 та (7,9%), шоҳ парда яраси – 3 та (7,9%), увеит – 1 та (2,6%), эндофтальмит – 1 нафар беморда (2,6%) аниқланди.

Корреляцион таҳлил ўтказиш ва олинган натижаларни технологик қайта ишлаш учун “MS Excel – XP” дастуридан фойдаланилди. (С.А.Айвазян, 1985; В.П.Боровиков, И.П.Боровиков, 1997). Корреляцион таҳлил Кэнделл усули бўйича олиб борилди. (Rk), олинган натижаларни баҳолашда эса йўналганлик (белгилар), абсолют қиймат (кучлар) ва ишончлилиқ (p) боғловлари ҳисобига амалга оширилди.

Текширув натижасида олинган маълумотлар статистик қайта ишлаш функциялари киритилган Microsoft Office Excel - 2013 дастурий пакети ёрдамида Pentium-IV шахсий компютерида статистик ишловдан ўтказилди.

Диссертациянинг «**Кўзларни замбуруғли зарарланишини клиник-офтальмологик тавсифи**» деб номланган учинчи бобида кўзни замбуруғли зарарланишини клиник-офтальмологик тавсифини ўрганишда олинган натижалар баён қилинган. Касаллик тарихидан қуйидаги маълумотлар олинди: беморларнинг 69,6% узоқ вақт кўзга маҳаллий антибиотик, глюкокортикоид ва вирусларга қарши дори воситаларини томизганлар.

17,4% беморларда касаллик сабаби бўлиб кўриш аъзоларининг турли шикастланишлари ҳисобланади. Беморлар ёруғликдан кўрқиш (88,2%), кўздан ёш оқиши (97,05%), кўздаги оғриқларга (70,6%), кўзни қизариши ва кўзда ёт нарсани борлиқ ҳисси (58,8%), кўришни пасайиши ва кўз олдида туман ҳосил бўлиш ҳисси (64,9%) каби ҳолатларга шикоят қилдилар. Обьектив кўрилганда 72,4% беморларда кўз ёриғининг қисилиши, 31,4% беморларда томирларнинг аралаш ва перикорнеал инъекцияси ва 49% беморларда конъюнктива ва шоҳ парда томонидан кузатилган ўзгаришлар турли даражада намоён бўлиб, бу зарарланиш шаклига боғлиқ бўлди. Касалликни замбуруғли этиологиясини тасдиқлаш учун беморларнинг барчасидан даволашдан олдин конъюнктива ва шоҳ пардасидан эзма учун қиринди олинди. Олинган қириндиларни микроскопик тадқиқ қилишда микозлар мавжудлигини шубҳасиз исботи сифатида замбуруғ мицеллий ипларини ва микроскопияда антимикотик друзаларни аниқланиши, шунингдек, махсус муҳитлардаги экмалардан олинган культуралардаги замбуруғлар турларини идентификация қилиш туради.

Натижада, текширишдан ўтказилган барча беморларда қуйидаги турдаги замбуруғлар ажратиб олинди: 35,5% кўзда *Candida spp.* + *Staphylococcus epidermidis* билан, 27,7% кўзда – *Candida spp.* + *Staphylococcus aureus*, 26% кўзда – *Candida spp.* + *Staphylococcus haemolyticus*, 4,1% кўзда - *Candida spp.*, 2,3% кўзда - *Candida Albicans*, 1,4% кўзда - *Aspergillus fumigatus*, 0,9% кўзда *Candida spp.* + *Klebsiella pneumonia* ва *Candida spp.* + *Pseudomonas aeruginosa* 0,4% кўзда эса *Candida spp.* + *E. Coli*, *Candida spp.* + *Proteus mir.* ва *Penicillium spp.* замбуруғ мицеллийлари аниқланди. Олинган маълумотлар

1-жадвалда келтирилди.

1- жадвал

Микробиологик текширув натижалари (n=220 кўз)

Замбуруғларнинг тури	Абсолют	%
Candida spp. + Staphilococcus epidermidis	78	35,45
Candida spp.+ Staphilococcus aureus	61	27,7
Candida spp. + Staphilococcus haemolyticus	57	25,9
Candida spp. + Klebsiella pneumonia	2	0,9
Candida spp. + Pseudomonas aeruginosa	2	0,9
Candida spp. + E. coli	1	0,45
Candida spp. + Proteus mir.	1	0,45
Candida spp.	9	4,1
C. Albicans	5	2,3
Aspergillus fumigates	3	1,4
Penicillium spp.	1	0,45
Жами	220	100

Беморлар учун қўлланиладиган лаборатор ташхисот усуллари ҳамма учун қулай, етарли маълумотлар берувчи усуллардан фойдаланиш талаб этилади ва касаллик кўзғатувчиларни антибиотик ва антимикотик воситаларга сезувчанлигини аниқлаш имконини беради. Шулар асосида бошқа мутахассисликлар билан ҳамкорликда даволаш усуллари белгилаш амалга оширилади.

Тадқиқотнинг иккинчи боскичида кератомикоз билан оғриган 23 нафар беморнинг кўз олди қисми оптик когерент томография маълумотлари билан тўлиқ ўрганиш ишлари олиб борилди. Тақдим этилган клиник ҳолат олдинги оптик когерент томографиясини кўзнинг шоҳ пардасидаги ўзгаришлар динамикасини баҳолаш имконини берувчи диагностик усул бўлиш имконини намоиш этади.

Диссертациянинг «**Кўзнинг замбуруғли касалланишини патогенетик ўзига хослиги**» деб номланган тўртинчи бобида офтальмомикозларнинг патогенетик ўзига хослиги маълумотлари келтирилган. Олинган маълумотларга кўра, циркуляциядаги қон таркибида лимфоцитларнинг абсолют миқдорини камайиши салбий ҳолат сифатида кўрилди, айниқса CD₃, CD₄, CD₈. Бунда нафақат қон оқимида лимфоцитларнинг умумий сони ва уларнинг асосий популяцияси кескин камайиши юзага келади, балки апоптозлар лимфоид ҳужайраларнинг позитив ва негатив фаоллашуви жараёнлари максимал ўзгаради. Апоптозга рецепторларни тайёргарчилигини экспрессловчи лимфоцитларнинг минимал даражаси ва апоптози реализация бўлган ҳужайраларнинг минимал миқдори морфологик белгилари аниқланди. Апоптознинг реализация индекси 1,6 марта камаяди.

Гуморал иммун жавоб кўрсаткичлари дисбаланси аниқланди. Назорат гуруҳига нисбатан бирламчи иммун жавоб (IgM ва IgA) иммуноглобулинларнинг концентрацияси сезиларли ўсиши аниқланди. ЦИК

миқдорини деярли 3 маротабага ошиши ҳамда комплементни умумий фаоллигининг минимал даражаси аниқланди. Бу кўрсаткичлар офтальмомикозларда иммун тизими яллиғланишни ривожланиш патогенезидаги қонуний иштирокини намоён этади (2-жадвал).


2 жадвал

Кўзнинг замбуруғли зарарланиши билан хасталанган беморларнинг гуморал иммунитет кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Меъёр, n=30	Офтальмомикозлар, n=24
	М; I ₉₅	М; I ₉₅
IgA, г/л	1,89 (1,67-2,11)	2,50* (2,25-2,70)
IgM, г/л	1,34 (1,08-1,53)	1,64 (1,49-1,79)
IgG, г/л	10,83 (8,96-12,72)	9,88 (9,32-10,36)
АИК, шартли бирлик	56,12 (51,68-58,83)	106,69* (94,86-118,52)
СН50	63,90 (60,72-67,10)	46,69* (43,18-50,20)

Изоҳ: * - фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (* - P<0,05)

Иммун гомеостаз тизимидаги аниқ норозилик белгиларининг мавжудлиги ва иммун тизим хужайра компоненти фаоллаштириш жараёнларини устун бўлиши цитокин балансини тизимли ва топик ўзгаришларини мос ҳолда фаоллашувига тахмин қилиш имконини беради. Организмнинг иммун ва бошқа хужайраларини апоптоз бошқаришдаги цитокинларни муҳим аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда биз тадқиқотда иштирок этган беморларни цитокин статусини ўрганиб чиқдик. Олинган натижалар 1-расмда келтирилган.




1-расм. Қон зардобидаги цитокинлар миқдори

Тизим даражасидаги мазкур ўзгаришлар цитокинлар TNF-α, STNF-R,

цитокин IL-4, фаоллашган Th-2 хужайраларини танлов маҳсулотлари даражасини ишончли ортиши билан характерланади. Илмий адабиёт маълумотларига цитокин-рецептор комплексини жадал хосил бўлиши, уларни нишон-хужайраларида ўрнашиши, узоқ вақт циркуляцияда персистенциялашига олиб келади, бу эса яллиғланишни кенг миқёсда намоён бўлишига сабаб бўлади.

Кўз ёш суюқлиги секретор иммунитетини характерини ўрганиш катта қизиқиш уйғотмоқда. Бунда шиллик қаватларни юқори аҳамиятли ва тотал зарарланиши ҳисобга олиниши керак.



2 расм. Кўз ёш суюқлигидаги цитокинлар миқдори

Офталъмомикозларда кўз ёш суюқлигида TNF-α, sTNF-R1, IFN-γлар даражасини кўп миқдорда ортиқ бўлиши аниқланди. Офталъмомикозларда кўз ёшидаги цитокинлар даражаси қонга нисбатан сезиларли даражада юқори бўлади, бу эса ушбу кўрсаткичларни патогенетик жиҳатдан юқори даражадаги аҳамиятидан далолат беради.

3 жадвал

Липидларнинг перекисли оксидаланиш (ЛПО) маҳсулотларининг миқдори

Гуруҳ	Оксиллар миқдори	Кўз ёшида МДА тўпланиши, нмоль/мл	МДАнинг оксилларнинг миқдори, нмоль/мг
Назорат	1,76±0,26	0,043±0,012	14,57±0,38
Офталъмомикозлар	4,68±0,27***	0,268±0,009***	36,85±1,69***

Изоҳ: * - фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (*** - P<0,001)

Бизнинг маълумотларимизга кўра, офталъмомикоз беморларидаги тадқиқотда иштирок этаётган гуруҳларда ЛПО маҳсулотларини сақланишини

юқори даражада эканлиги липидлар эркин радикал оксидланишини фаоллашишидан гувоҳлик беради (3 жадвал).

Диссертациянинг «Турли даволаш усулларида бўлган кўзларни замбуруғли зарарланиши билан оғриган беморларни даволаш самарадорлигини баҳолаш» деб номланган бешинчи бобида турли даволаш усуллари қўлланилган офтальмомикозларни даволаш самарадорлиги баҳоланган ва унинг натижалари таҳлил қилинган. Тадқиқотда иштирок этган беморлар 68 нафарни ташкил этиб (104 кўз), улардан блефаритлар – 26 (48 кўз), дакриоциститлар – 24 (36 кўз), каналикулитлар – 18 (20 кўз) нафар беморни ташкил этди. Барча беморларга даволашдан олдин ва кейин шоҳ парда ва конъюктивадан микробиологик таҳлил учун қириндилар олинди.

4- жадвал

Даволашнинг турига қараб биринчи гуруҳ беморларида микробиологик кўрсаткичлар даражаси

Даврлари	Шох парда ва конъютиваларда замбуруғларни аниқлаш (n=104)					
	1А кичик гуруҳда (n=51)		1А кичик гуруҳда (n=53)		χ2	P
	абс.	%	абс.	%		
Даволашгача	51	100,0	53	100,0		
Даволашнинг 4-6 кундан кейин	36	70,63	15	28,3	18,60	<0,001
Даволашдан кейин	11	21,6	3	5,7	5,65	<0,05

4-жадвалдан кўриниб турибдики, 1А кичик гуруҳи беморларининг конъюктива ва шоҳ пардасидан олинган намуналарда замбуруғлар 1Б кичик гуруҳига нисбатан 2 марта кўп учраши аниқланди, ($p \leq 0,05$), иккинчи бор замбуруғлар экилишини микробиологик таҳлили ўтказилганда, натижалар аввалгидек 1А кичик гуруҳида 1Б кичик гуруҳига нисбатан юқори натижалигича қолганлиги маълум бўлди. ($p \leq 0,05$). Бироқ даволанишнинг 4-6 кунига келиб, кўрсаткичларни деярли 2 маротабагача яхшиланиши кузатилди ($p \leq 0,05$).

Олиб борилган тадқиқотларимизнинг кейинги босқичларида блефарит, дакриоцистит ва каналикулитли беморларни даволангандан сўнг иммунологик статусини ўргандик. Бунда ҳар икки гуруҳда иммунитет кўрсаткичларини ижобий динамикаси кузатилди, айниқса бу кўрсаткичлар 1Б кичик гуруҳида яққол кўринди. Демак, ИЛ-1в кўрсаткичи даволашдан сўнг 1А кичик гуруҳида 2,4 марта камайди ($p \leq 0,01$) ва 1Б кичик гуруҳида 3 мартагача камайди ($p \leq 0,01$).

Офтальмомикозларда кўз ёш суюқлигида $TNF-\alpha$, sTAF-R1; IFN- γ даражасини кўп марта ошганлиги аниқланди. Даволаш ўтказилгандан сўнг $TNF-\alpha$, sTAF-R1; IFN- γ кўрсаткичлари ҳар икки гуруҳда ҳам пасайган, бироқ яққол сезилган пасайишни 1Б кичик гуруҳида кўриш мумкин. Шунини

таъкидлаш зарурки, TNF- α , sTAF-R1; IFN- γ кўрсаткичлари кўз ёш суюқлигида меъерий даражада бўлмади.

Замбуруғли конъюнктивит билан оғриган 44 нафар беморлар 3 кичик гуруҳга бўлинди ва уларда даволаш натижалари баҳоланди. 2А кичик гуруҳга (13 бемор) анъанавий даволаш муолажалари қўлланилди. 2Б гуруҳга (16 бемор) маҳаллий Флузамед 0,3% кўз томчилари қўшимча берилди. 2В гуруҳга Флузамед ва Актипол кўз томчилари буюрилди. Ҳар уч гуруҳдаги барча беморларда даволашдан олдин ва кейин конъюнктива ва шоҳ пардадан олинган қиринди микробиологик таҳлилдан ўтказилди.

